

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
“БАРКАМОЛ АВЛОД” РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР ТЕХНИК  
ИЖОДИЁТ МАРКАЗИ

“БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАРКАЗЛАРИ ИЛГОР  
ИШ ТАЖРИБАЛАРИНИ ОММАЛАШТИРИШ БҮЙИЧА  
ҮҚУВ ҚЎЛЛАНМА  
(З-тўплам)

Тошкент - 2015

Муаллиф:                   Х.Зокирова - “Баркамол авлод”       республика  
болалар техник ижодиёт Маркази директори

Ушбу түплем 2015 йил ноябрь ойида ўтказилган Услубий кенгашда  
мұхокама қилинди ва нашрға тавсия этилди  
3-сонли баённома

**Халқаро ҳамжамият ва тараққий  
топган мамлакатлар қаторига  
күтарилиш учун ҳаракат қилаётган  
жамият, биринчи навбатда,  
буғун униб ўсиб келаётган  
фарзандларимизнинг ҳар  
томонлама баркамол авлод  
бўлиб ҳаётга кириб боришини  
ўзи учун энг улуг, керак бўлса,  
энг муқаддас мақсад, деб билади.**

**И. А. Каримов**

### **“Эртанги кунимиз буғундан бошланади”**

“Халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг буғун қандай таълим ва тарбия олишига боғлик”, - деган эди президентимиз И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида. Дарҳақиқат, таълим-тарбия тизими маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиласидиган муҳим ҳаётий омил ҳисобланар экан, демак, ушбу тизимни замон талабига кўра янада такомиллаштириш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш, асосий вазифаларимиздан бири бўлиб қолаверади. Ана шу масъулиятили вазифа “Баркамол авлод” болалар марказлари зиммасига ҳам юкланиши табиий ҳол. Касбига содик, ўз устида тинимсиз ишлайдиган, малакали фидойи педагог ходимларгина ҳалқ таълим мининг барча тармоқларидағи мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этишга, чиндан-да баркамол авлодни тарбиялашга қодир.

Ана шундай маҳоратли устоз-мураббийлар иш юритаётган “Баркамол авлод” болалар марказлари буғунги кунда республикамиз бўйича 211 та ташкил этилган. Ҳар бир марказнинг таълим-тарбия тизимида ўз ўрни бор, албатта. Ушбу марказларда техник, бадиий, ўлкашунослик ва экология йўналишлари бўйича кўплаб тўгараклар ташкил этилган бўлиб, тўгарак раҳбарлари уларда ўқувчи-ёшларга касб-хунар сирлари ўргатмоқдалар, тўгарак аъзолари онгига юксак маънавий-аҳлоқий фазилатлар мужассам бўлиши учун меҳнат қилмоқдалар. Тўгарак аъзоларини доимий равишда фан ва маданиятнинг сўнгги ютуқларидан хабардор қилиб туриш, улар онгини ижобий ишлар ва тарбиявий тадбирлар воситасида янада ривожлантириш мактабдан ташқари таълимда муҳим ўрин тутади.

Малака ошириш, тажриба алмашиш замирида кўп йиллар маълум бир соҳада фаолият кўрсатиб, малакали мутахассис дарражасига етган устоз-

мураббийнинг илфор иш тажрибаларини оммалаштириш ҳам бор. Шу боис ушбу тўплам “Баркамол авлод” болалар марказларининг илфор иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида тайёрланган бўлиб, Тошкент шаҳар Сирғали тумани “Баркамол авлод” болалар маркази иш фаолиятига бағишлиданади. Хусусан, марказда бевосита таълим жараёнининг ташкил этилиши, машғулотларнинг қай усулда олиб борилиши, марказнинг замонавий талабларга кўра жиҳозланиши, вояга етмаганлар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар, умумтаълим мактаблари ҳамда марказ қошида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирлар, шаҳар ва республика миқёсида ўтказилган кўрик-танлов ва мусобақалардаги иштироки ҳақида маълумотлар киритилган.

### **“Фарзандларимизнинг севимли масканига айланган даргоҳ”**

Халқ таълими тасарруфидаги Сергели тумани “Баркамол авлод” болалар маркази 2011 йили июнь ойидан ўз фаолиятини бошлади. “Баркамол авлод” болалар марказлари Низомига кўра, марказ ўқувчи-ёшларнинг ижодий имкониятларини янада ривожлантиришга қаратилган уч йўналишда, яъни техник ижодиёт, бадиий ижодиёт, ўлкашунослик ва экология йўналишларида иш юритмоқда. Ҳозирги кунда марказда “Автомоделлаштириш”, “Бошланғич техник моделлаштириш”, “Радиотехника, электроника ва алоқа”, “Моҳир кўллар”, “Ёш журналист ва нотик”, “Дурадгорлик”, “Тасвирий санъат ва дизайн”, “Ёш пазанда” каби тўгараклар ташкил этилган бўлиб, уларга жами 638 нафар ўқувчи-ёшлар жалб қилинган. 39 йўналишдаги тўгаракда 41 нафар педагог ходим тўгарак аъзоларига касб-хунар сирларини ўргатмоқдалар. Марказнинг педагог ходимлари асосан олий (21 нафар) ва ўрта-максус (15 нафар) маълумотли. Ўрта маълумотли 5 нафар ходим бугунги кунда маълумотини давом эттириш тараддудини кўрмоқдалар.

Ўқувчиларнинг севимли масканига айланган бу марказ ва шу худуддаги 7-, 266-, 317-, 269-, 104-, 32-, 301-, 285-, 277-сонли умумтаълим мактаблари ўртасида ҳамкорлик шартномалари тузилди. Яъни ҳамкорликда олиб борилган чора-тадбирлар натижасида мактаблар қошида “Тўқиши”, “Рақс”, “Мунчоқли безак”, “Ёш пазанда”, “Ёш журналист ванотик”, “Инглиз тили”, “Тикиш-бичиш” каби тўгараклар ташкил этилди. Бу тўгаракларда ўқув жараёни мобайнида ўқувчи-ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида доимий равишда турли хил маданий-оммавий тадбирлар ўтказиб борилмоқда.

Ўқувчиларни тўгаракларга жалб қилиш ишлари яхши йўлга қўйилган. Мактабларда мунтазам равиша олиб бориладиган тадбир ва кўргазмалар бунинг яққол истобидир. Болаларнинг ўз қўллари билан тайёрланган техник моделлар, бежирим либослар, антиқа гуллар-у тақинчоқлар ҳамманинг дикқатини албатта ўзига тортади.



Ҳар йили сентябрь ойида марказда “Очиқ эшиклар куни” ўтказилади. мактаб ўқувчилари, ота-оналар, маҳалла фаоллари, мактаб ташкилотчилари, ИИБ вакиллари ушбу тадбирларда иштирок этиб, марказ фаолияти билан танишадилар. Болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этилсагина, ижобий натижаларга эришиш мумкинлигига ишонч ҳосил қиласидилар.



Марказ қошида ташкил этилган барча түгараплар талаб даражасида жиҳозланган бўлиб, машғулотлар учун зарур бўлган техник воситалар, асбобускуналар, меҳнат қуроллари мавжуд, албатта. Ёғочга ишлов берувчи ва қирқувчи дастгоҳлар, металл лист ва симларни эгувчи, кесувчи универсал мосламалар, қиздирувчи мосламалар, электр кавшарлаш ва куйдириш мосламалари, меҳнат қуроллари – барчаси техник йўналишдаги түгараплар аъзолари хизматида. “Компьютер сабоқлари” түгараги хонаси ҳамиша болалар билан гавжум. Замонавий компьютер технологиялари билан танишаман деган ўқувчилар марказда жуда кўп.



“Мунчоқли безак”, “Карвинг” түгараплари аъзолари ижоди доимо кўргазмаларнинг олд қаторидан ўрин олади. Ҳеч бир тадбир раққоса қизчаларнинг гўзал рақсларисиз ўтмайди, албатта. “Рақс” түгараги раҳбари ўзининг жажжи шогирдларига рақс оламининг сирларини ўргатиб бормоқда.



Ҳар йили марказда қатор маънавий-маърифий тадбирларнинг ўтказилиши анъана тарзига айланган. Бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад – ўқувчи-ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, аждодларимизнинг маънавий ва маданий меросини ўрганишга чорлаш, миллий урф-одатларимизга ҳурмат билан муносабатда бўлишни ўргатишdir. 2015 йилнинг январь-октябрь ойлари мобайнида марказда умумхалқ байрамлари, алломаларимизнинг таваллуд кунлари, халқаро кунлар, маънавий-маърифий мавзуларга бағишлиланган 14 та тадбир ўтказилди. Ушбу тадбирларга жами 1250 дан зиёд ўқувчилар жалб қилинди. Хусусан, 2015 йил 15-17 сентябрь кунлари бўлиб ўтган “Очиқ эшиклар куни”да 568 нафар ўқувчи марказга ташриф буюрди. Демакки, марказ тўгараклари бундан буён ҳам болалар билан гавжум бўлиши аниқ.

Ҳар бир устоз шогирди билан фахрланар экан, даставвал унинг юутқларини кўз-кўз қиласи. Сергели тумани “Баркамол авлод” болалар маркази тўгарак аъзоларининг эришган ютуқлари ҳақида ҳам анчагина сўзласа бўлади. Жумладан, 2015 йил 17 март куни ўтказилган “Варраклар сайли” мусобақасининг туман босқичида марказ гурухи иштирок этиб, фахрли I-ўринни эгаллади ва шаҳар босқичига йўлланма олди. Шаҳар босқичида “Варраклар” йўналиши бўйича “Ракетамодел” тўгараги аъзоси Фофуров Бахтиёр совринли I-ўринни эгаллади. Навбатдаги республика босқичида ҳам у иштирок этиб, фахрли II-ўринни эгаллади.

Ҳар йили “Рақс” тўгараги аъзолари “Иқтидорли болалар” инвестицион кўрик-танлови марафонида иштирок этиб дипломлар билан тақдирланадилар.

2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг БМТ ўқув ва илмий институти (UNITAR) кўмагида ва КМХБСЁ тезкорлик билан бошлаш дастурининг Траст жамғармаси молиявий ёрдамида амалга оширилган “Кимёвий моддаларни оқилона бошқариш учун интеграциялашган миллий дастурни ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикасида Кимёвий моддаларни Халқаро бошқаришда стратегик ёндашувни амалга ошириш” лойиҳаси доирасида “Кимёвий олам” номли китоб нашр этилди. Китоб кимёвий чиқиндилар, майший ахлатнинг қай даражада хавф туғдириши ҳақида оммабоп тарзда ҳикоя қиласи. Бу лойиҳада марказ тўгарак аъзоларининг экологияни асраш ва кимёвий моддаларнинг зарарли оқибатлари мавзусига бағишлиланган расмлари чоп этилди. Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси томонидан шу ўқувчилар қимматбаҳо китоблар билан тақдирландилар.

2015 йил 18 март куни Республика “Баркамол авлод” техник ижодиёт марказида ўтказилган “Карвинг мўъжизалари” кўрик-танловида “Ёш

пазанда” тўгарак аъзоси Султонов Жобир иштирок этиб, фахрли II ўринни эгаллади.

2015йил 14 сентябрь куни “Баркамол авлод” болалар марказилари бадиий ижодиёт йўналишида фаолият юритаётган услубчилари ўртасида “Йилнинг энг яхши услугчи” Республика кўрик-танловининг шахар босқичи бўлиб ўтди. Бунда услугчи Хусанова Назокат иштирок этиб, фахрли III ўринни эгаллади.

2015 йил 23 октябрь куни “Гуруримсан, Қомусим!” шиори остида “Софлом бола – жамият кўрки” мавзусида “Карвинг” йўналишида кўрик-танлов ўтказилди. Танловда иштирок этган 6-мактаб 9-синф ўқувчиси Мирзахужаев Аббосхўжа I-ўринни эгаллаб, Республика босқичига йўлланма олди.

Марказ фаолияти оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда ёритилиб боради. Жумладан:

- 2015 йил 3 февраль куни “Народное слово” рўзномасида марказнинг иш фаолияти тўғрисидаги “Воспитать личность – разностороннюю и гармоничную” номли мақоласи чоп этилди.
- 2015 йил 25 февраль куни “Махалла” телеканалида “Обод манзиллар” телекўрсатувида марказнинг тўгараклари фаолияти намойиш этилди.
- 2015йил 17 июнь куни “Махалла” телеканалида “Махаллалар гурунги” телекўрсатувида марказнинг тўгараклари фаолияти намойиш этилди.
- 2015 йил 27 июнь куни “Махалла” телеканалида “Очиқ дарс” телекўрсатувида марказда ўтказилган “Биз мустақил юрт фарзандларимиз!” мавзусида очиқ машғулот намойиш этилди.
- 2015 йил 26 август куни “Тошкент” радиоканалида тўгарак фаолияти, иқтидорли болалар ва улар томонидан эришилган ютуқлари тўғрисида эшиттириш эфирга узатилди.

Ана шундай шогирдларни тарбиялашда тўгарак раҳбарларининг хиссаси бекиёсdir. Сергели тумани “Баркамол авлод” болалар маркази педагог ходимлари юқорида қайд этилган ютуқларга эришиш учун мунтазам равишда малакаларини ошириб борадилар. Бунда уларга марказ услубчилари яқиндан амалий ва услубий кўмак берадилар. Сўнгги тўрт йил ичida марказ услубчилари томонидан 11 та тавсиянома, 4 та ўқув-методик қўлланма ва бир нечта дарс ишланмалари ишлаб чиқилди. Ушбу ўқув-методик адабиётлар педагог ходимларнинг иш фаолиятини янада такомиллаштиришда кўмак бериши шубҳасиз.









6-7

4-9

2-11

12-1

10-3

8-5